

БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурасулов Сардор Тўлқин ўғли

Банк-молия академияси тингловчиси

E-mail: atsardor494@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада бюджетдан молиялаштиришнинг методлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятлари тизимлаштирилган. Уларга нисбатан мустақил муаллифлик ёндашуви шакллантирилган, шунингдек, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг афзалликлари назарий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланган.

Калит сўзлар: бюджет сиёсати, бюджетлаштириш усуллари, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, бюджет харажатлари, бюджет самарадорлиги.

КИРИШ

Давлат бюджетидан молиялаштиришда мамлакатлар турли усуллардан фойдаланиб маблағларни тақсимлашни амалга оширадилар. Бюджет харажатларини йўналтириш ва улардан мақсадли фойдаланиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Тадқиқотлардан маълумки, давлат бюджети давлатнинг зиммасидаги вазифаларни бажарилиши учун молиявий таъминлаш воситаси сифатида акс этиб келган. Бу эса, давлат бюджетидан молиялаштириш усулининг қандай бўлишидан қатъий назар давлатнинг вазифалари бюджетдан молиялаштирилиши доимий мавжуд бўлишини аниқлатади.

Доц. И.Алимов "...ҳар бир мамлакатда давлат бюджети тузилмаси ва бюджет тизими мавжуд бўлиб, бюджет тузилмаси мазкур давлатнинг сиёсий-маъмурий тузилмасига асосан шакллантирилади. Давлат бюджети тузилмаси

Ўз моҳиятига кўра, давлат бюджетини тузиш тамойиллари, уни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартиби, бюджет даромадларини шакллантириш, унинг харажатларини амалга ошириш тамойилларини ташкил этишни ифодалайди" деб таъкидлаб ўтади [1].

Бизнингча, бюджетдан молиялаштириш усулларининг қандай бўлиши давлат зиммасидаги масалаларни ўзгартиришни тақозо қилиши керак эмас. Бюджетдан молиялаштириш усулларидан фойдаланишдан кўзланган мақсадга эришиш учун самарали эканлигини ифода этиши лозим. Шу боисдан, давлат стратегик мақсадларига бюджет харажатларини уйғунлаштириши лозим бўлади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида бюджетнинг айрим харажатларини хусусий тармоққа ўтишининг кучайиб бориши кузатилади. Бу эса, бюджет харажатларини амалга оширишда бозор иқтисодиёти тамойилларидан кенг фойдаланишни ўзида ифода этади. Бюджет харажатларига бозор муносабатларини татбиқ этишда қуйидаги элементларни юзага келиши билан изоҳлаш мумкин:

- бюджет сиёсатининг номарказлашуви;
- давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказилиши;
- давлат бюджетини режалаштиришнинг либераллашуви.

Ўз навбатида, бюджет сиёсатидаги фундаментал ўзгаришларнинг юзага келиши бюджет харажатларини режалаштириш услубларини ҳам такомиллаштиришга бўлган заруратни келтириб чиқаради.

Бюджет сиёсатининг номарказлашуви – бу маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларига кўплаб молиявий қарорлар қабул қилишни тақдим этишни англатади. Жумладан, М.Хайдаров бюджет молиявий мустақиллигига эътибор қаратади. Номарказлаштириш натижасида жамият хизматларини шундай ташкил ва тақдим этилиши назарда тутиладики, улар маҳаллий аҳоли

эҳтиёжларини тўлақонли қониқтиришни таъминлашлари керак [2], деб таъкидлайди.

Доц. А.Ли бюджетни режалаштириш тўғрисида ўзининг кўплаб илмий хулосаларини келтириб ўтади. Давлат бюджетининг роли даромадлар ва харажатларнинг бошқа барча баланслари, сметалар, молиявий режалар, шунингдек кредит ва касса режалари билан узвий боғланганлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, А.Линкольннинг “давлатнинг қонуний мақсади – инсонлар жамияти учун зарур бўлган барча ишларни, уларни бир шахс сифатида ёки биргаликда умуман уддасидан чиқа олмайдиган ёки маромида бажара олмайдиган фаолиятни бажаришдан иборат” деган фикрини келтириб ўтади [3].

А.Лининг фикридан давлатнинг қандай функцияларини унинг зиммасидан олиш мумкинлигини англаш мумкин. Демак, фуқаролар/бизнес вакиллари мустақил равишда молиялаштиришни инкор этмайдиган йўналишларни давлат зиммасидан олиш мумкин. Буларга, таълимнинг айрим босқичлари, баъзи тиббий хизматлар ёки иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари кабиларни киритиш мумкин. Лекин муодофаа, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви каби давлат функцияларини хусусийлаштиришнинг имкони мавжуд эмас ёки бу каби тажрибалар жаҳон амалиётида кузатилмайди.

Бизнингча, давлатнинг зиммасидаги ажралмас соҳаларда харажатларини бюджетдан молиялаштиришнинг либераллашуви юзага келиши лозим. Сабаби, жаҳон тажрибасида ҳам бозор қонунларини бюджет сиёсатига татбиқ этилиши айнан молиялаштиришнинг эркинлаштирилиши билан акс этади.

Доц. А.Юлдашев ва бошқ. давлат харажатлари, биринчи навбатда, иқтисодиётдаги зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг ўсишини, ижтимоий харажатларнинг манзилли бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирда молиявий сиёсатнинг муҳим элементларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтади [4].

Шу нуқтаи назардан, бюджетдан молиялаштиришнинг кенг фойдаланиладиган усуллари кўриб чиқишга ва уларни ўзаро таққослашга назарий жиҳатдан ёндашувларни амалга оширамиз.

Умуман олганда, бюджет харажатларини режалаштиришнинг кўплаб назарий асослари мавжуд бўлиб, уларга нисбатан турлича ёндашувларни кўриш мумкин.

Академик С.Гулямов, профессорлар Н.Жумаев, Д.Рахмонов ва доц. М.Ташходжаевларнинг жамоавий монографиясида бюджетдан молиялаштиришнинг учта усулига тўхталиб ўтади [5]. Жумладан:

1. Бюджет-суғурта модели. Ушбу модель доирасида бюджет маблағлари, иш берувчилар, ишчиларнинг мақсадли тўловларини амалга ошириш орқали молиялаштирилади. Мазкур модель кенг тарқалган бўлиб, у Германия, Франция, Италия ва Швеция мамлакатларида амал қилади.

2. Бюджет модели. Асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Ушбу модель Буюк Британия ва шу каби мамлакатларда фойдаланилади.

3. Корхона модели. Бунда соғлиқни сақлаш муассасалари аҳолига тиббий хизматлар ихтиёрий суғурта фонди маблағлари ёки тўғридан-тўғри тўловлар ҳисобидан ўтказиб беради. Мазкур модель асосан АҚШда кенг тарқалган.

М.Хусаинов бюджетни режалаштиришда йўналишлари ўзаро таққослаш орқали маблағларни тақсимлаш методини таклиф этади [6]. Унга кўра, бюджет сўровномаларини иерархик тарзда шакллантириш асосида устувор мақсадлар аниқланиши кўзда тутилади. Сўнгра мутахассис-экспертлар фикри асосида бюджетни молиялаштириш соҳалари ўзаро таққосланиб устунликка эга йўналишлар аниқланади.

Фикримизча, юқорида келтирилган ёндашувларда бюджетдан молиялаштиришнинг таққослама ва хорижий моделларига эътибор

қаратилган. Мазкур моделлар усулларга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, бир моделнинг ўзида бир неча методлардан фойдаланилиши мумкин.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада илмий абстракциялаш, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларидан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ: БЮДЖЕТЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон амалиётига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бюджетни режалаштириш усулининг бош омили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сонли қарори билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатга кўра, бюджет ташкилотлари молиялаштирилиши смета харажатлари асосида тўрт гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақига қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар)га ажратилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Ушбу методнинг 2000 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилиши ҳар қандай бюджет харажат йўналишлари қатъий белгиланишини ўзида акс эттиради.

Бугунги кунда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддалари бўйича режалаштирилиб, мазкур сметалар асосида тўловлар амалга оширилмоқда (Ягона ғазна ҳисоб рақамига ўтилгандан сўнг молиялаштириш йўқ бўлиб (оғзаки терминологияда мавжуд), ягона ғазна ҳисоб рақамидан касса харажати (тўловлар) амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда харажатлар режалаштирилиши харажат гуруҳларининг ҳар бир моддалари кесимида амалга оширилади).

Тадқиқотларимиз давомида бюджет харажатларини режалаштириш усулларини айрим жиҳатларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз

Бу борада, тадқиқотчи А.Абдуллаев томонидан бюджетдан молиялаштиришнинг усулларини тизимлаштириб бериши алоҳида аҳамиятга

эга. Унга кўра, мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштириш хусусиятлари аниқланган (1-жадвалга қаранг) [7].

1-жадвал

Мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш услублари ўзига хос хусусиятлари

Т/Р	Молиялаштириш услуби	Молиялаштириш объекти ва предмети	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағларини тақдим этиш шакли	Бюджет маблағларини тақдим этиш шарти
1.	Сметали	Муассаса, муассаса харажатлари	Бюджет ва уй хўжаликлари маблағлари	Муассасага ажратмалар	Смета моддалари бўйича харажатли қатъий мақсадли амалга ошириш
2.	Нормативли	Хизмат, хизмат харажатлари	Бюджет ва уй хўжаликлари маблағлари	Муассасага ажратмалар, субсидия	Кўрсатилган хизматларга мақсадли харажат қилиш
3.	Дастурий	Мақсад, мақсадли дастур тадбирлари	Бюджет ва тижорат ва нотижорат ташкилотлар маблағлари	Бюджетдан инвестициялар, субсидиялар, давлат харидларига ажратмалар	Мақсадли дастурлар асосида режалаштирилган натижаларга эришиш
4.	Шартномали	Хизмат, таълим хизматларини ривожлантириш хизматлари харажатлари	Бюджет ва уй хўжаликлари маблағлари	Давлат билан шартномалар бўйича хизматларга бюджет ажратмалари	Давлат билан шартномалар бўйича аниқланган хизматларни етказиб бериш

Е.Новак молиявий менежментнинг харажатлар функцияси сифатида нархнинг шаклланиши смета асосида юзага келишини қайд этади. Ундан кўзланган мақсад нархларнинг шаклланиши очиқлигини таъминлашга қаратилган. Лекин сметали усулда етарли сифат мезоининг йўқлиги ва ортиқча бошқарувнинг вужудга келишини тақозо қилиши асослаб берилади [8].

Е.Елистратова Бюджет маблағларидан фойдаланиш ва тақдим этиш жараёнлари бюджетдан режалаштиришда сметали, нормативли-киши бошига ва дастурий молиялаштириш усуллари мавжудлигини таъкидлаб ўтилади. Бюджетдан молиялаштириш ҳажми демографик ҳолатга боғлиқлиги ва унинг натижага эришилиши билан баҳоланишига эътибор қаратади [9].

Юқоридаги фикрлардан ҳам маълум бўлмоқдаки, сметали молиялаштириш объекти сифатида муассаса кўрсатилмоқда. Шунингдек, харажатларни амалга ошириш шарти бўлиб эса харажатлар моддаси хизмат қилмоқда. Бошқача айтганда, харажатлар сметаси орқали бюджетдан молиялаштириш натижаларини сифат жиҳатдан баҳолаш механизмининг такомиллашмаганлигини қайд этиш мумкин.

Мазкур омилларнинг мавжуд эканлиги бюджетдан молиялаштириш методларини тубдан такомиллаштириш зарурати юзага келишини англатади. Бизнингча, мамлакатда бюджетдан молиялаштиришнинг ягона услубидан фойдаланишнинг ўзи ҳам мавжуд бўлмайди. Давлат бюджет сиёсатини амалга оширишда бир неча бюджетлаштириш усуллари билан фойдаланишни назарда тутати. Хусусан, Ўзбекистон амалиётида ҳам бундай тажрибани кузатиш мумкин.

Бюджетдан киши бошига молиялаштириш, яъни нормативли метод умумий ўрта таълим, олий таълим ва соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинини молиялаштиришда фойдаланилади. Бунда бюджет ташкилоти хизматларини тақдим этишда уларга бириктирилган ўқувчи/аҳоли сони асосий омил бўлиб хизмат қилади (бу метод синов қилинди, лекин тўлиқ жорий этилмади.

Ҳозирда таълимда штатлар ва дарс соатлари ўқувчилар сони, синфлар сони, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида аҳоли сонига ҳамда муассасанинг бино иншоотларига қараб, бошқа харажатлар асосан ўтган йилга ҳақиқий харажатларга қараб режалаштирилади).

Масалан, тадқиқотчи Д.Шарафутдинова мактаб таълимини молиялаштиришда сметали ва базавий меъёрга асосланган бюджетдан молиялаштириш усулининг ўзаро қиёсий таҳлил этиб ўтади. Ва молиявий мустақиллик сметали молиялаштириш амалиётида камроқ эканлигини таъкидлаб ўтади (2-жадвалга қаранг) [10].

2-жадвал

Таълим харажатларини бюджетдан режалаштириш ва молиялаштириш методлари

Т/Р	Кўрсаткич	Бюджетдан режалаштириш ва молиялаштириш усуллари	
		Сметага асосланган	Базавий меъёрга асосланган
1.	Бюджет мажбурияти таркиби характистикаси	Таълим муассасалари фаолиятини бюджетдан молиялаштириш	Таълим муассасалари томонидан таълим хизматлари кўрсатилишини бюджетдан тўлаб бериш
2.	Бюджет маблағлари ҳисобидан қабул ва таълим иштирокчилари миқдори параметларини аниқлаш	Бюджетнинг бош тақсимловчиси томонидан йўналишлар ва дастурлар кесимида маблағлаорни тақсимлаш мезони ўрнатилади	Бюджетнинг бош тақсимловчиси томонидан таълим хизматларини тақдим этиш юзасидан давлат топшириқларини бажариш
3.	Бюджетдан умумтаълим муассасаларига тақдим этиладиган маблағлар ҳажминини аниқлаш	Умумтаълим муассасаси фаолият кўрсаткичларидан келиб чиқиб ассигновани ҳажми аниқланади: уларга	Бюджет маблағлари муассасада таълим олаётганлар сонига базавий харажатлар меъёри

		контингент, ўқитувчилар таркиби сони, бинолар ва б.	кўпайтириш орқали аниқланади
4.	Бюджет маблағларини тақсимлаш	Бюджет маблағлари доирасида бош тақсимловчи томонидан белгиланган мезонлар асосида умумтаълим муассасаси томонидан амалга оширилади	Таълим муассасаси томонидан мустақил амалга оширилади

Шунингдек, Д.Шарафутдинова “Сметали молиялаштиришда бошқарувнинг нафақат молиявий жиҳатдан, балки ўқув-услуги жиҳатдан ҳам марказлашувига олиб келмоқда. Натижада, мактабларда янги педагогик технологияларни мустақил жорий этиш имкониятлари пасаймоқда. Бу эса, мактабларда молиявий менжментни ривожлантиришга бўлган заруратни келтириб чиқармоқда” деб қайд этиб ўтади.

Б.Тўйинов бюджетни режалаштиришда сметали усулдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун смета харажатлари ижросини сифатли ва оқилона ташкил қилиш мақсадида таълим муассасаларининг таркибий тузилмасида молиявий ва моддий жавобгарлик марказларини ташкил этишни тақозо этишини таъкидлаб ўтади [11].

Бизнингча, харажатлар сметаси асосида молиялаштириш Ўзбекистон бюджет харажатларида катта улушни ташкил қилади. Ҳозирги кунда харажатлар сметаси асосида режалаштириш якуний натижаларни акс эттирмасдан, маблағларни йўналтиришни ўзида акс эттирмоқда. Бу эса, мазкур услубнинг жаҳон тажрибаисдан келиб чиқиб янада такомиллаштиришни ёхуд ўзгартиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 74-сонли (рўйхат рақами

2634) буйруғи асосида бюджетни сметали режалаштиришнинг тартиб таомиллари белгилаб берилган.

Ушбу ҳужжатда бюджетни сметали режалаштиришда қуйидаги элементларга асосланилиши кўрсатиб ўтилган:

- харажатлар сметаларига доир ҳисоб-китоблар;
- бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажми доирасида тузилади;
- сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида кўрсатмалар ҳар йили янгиланади;
- иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари кўрсаткичларига ва тежамкорликнинг қатъий режимини ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган элементлардан кўриниб турибдики, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш ва унинг мавжуд ҳажмидан ортиқ харажатларни амалга оширмасликни назарда тутди. Бу эса, асосий урғу харажатларни режалаштиришда бюджет ташкилотининг фаолият натижаларига эмас, балки харажатлар моддаси бўйича мақсадли фойдаланишга берилаётганлигини ифода этади.

Хулоса қилиб айтганда, сметали молиялаштириш фаолият натижаларига эмас, маблағлар сарф этилишига эътиборни қаратиши маълум бўлмоқда. Демак, сметали молиялаштириш сифат кўрсаткичларидан кўра, миқдор кўрсаткичларини кўпроқ акс эттирар экан.

Бюджет харажатларини шартномали усулда амалга ошириш тартиби мамлакатимизнинг айрим йўналишларда амалга оширилмоқда. Давлат-хусусий шериклиги амалиётини жорий этилиши натижасида бюджет маблағлари хусусий шерик билан шартнома тузиш орқали тақдим этилиши вужудга келди. Бунда давлатнинг маълум вазифалари хусусий секторга ўтказиб берилади ва ушбу фаолиятнинг айрим харажатлари бюджет томонидан молиялаштирилиши амалга оширилади.

Шу билан бирга, мамлакатимиз бюджет амалиётига аутсорсинг категориясининг кириб келиши бюджет харажатларини шартномали асосда амалга оширишга имконият яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли фармонида тиббиёт тизимини ривожлантиришнинг устуворликлари белгиланди. Унга кўра, "давлат тиббиёт ташкилотларининг айрим функциялари ёки хизматларини тадбиркорлик субъектларига аутсорсинг асосида ўтказиш" белгилаб берилди. Ушбу методнинг афзаллиги бюджет маблағлари смета харажатлари моддаси доирасида эмас, балки шартнома асосида белгиланган хизматларнинг кўрсатилишига нисбатан молиялаштирилиши кўзда тутилади.

Бу борада, Г.Касимова илмий хулосаларни шакллантирган. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг амалиётини ўзига хос жиҳатлари ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни асослаб беради. Шунингдек, бюджет ташкилотларида аутсорсинг усулини татбиқ этишда қуйидагиларга эътибор беради [12]:

– аутсорсер томонидан муассасаларда соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича узоқ муддатга режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдим қилинганда, танлов комиссиясининг қарорига асосан туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари билан аутсорсер ўртасида беш йилгача муддатга шартномалар тузилиши лозим;

– ижтимоий соҳада аутсорсинг асосида бюджет харажатларининг натижадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишда яқуний натижалар индексидан фойдаланиш керак;

– соғлиқни сақлаш муассасаларида давлат бюджетининг овқатланиш харажатлари ижросида ҳам аутсорсинг механизmidан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Бюджетдан молиялаштиришнинг дастурий методи ҳам амал қилиб, унда бир марталик лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилади. Унга мисол тариқасида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” каби дастурларни келтириш мумкин. Бу каби давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бюджет маблағларидан фойдаланиш назарда тутилади. Бу билан эса, бюджет маблағларидан дастурий молиялаштириш методи орқали сарф этилишига имконият яратилади.

Юқоридаги тадқиқотлар хулосаларида бюджет харажатларини режалаштириш ва уларни амалга ошириш методларига тўхталиб ўтилган. Тадқиқотимизнинг мазкур параграфида юқорида қайд этиб ўтилган методлар билан бирга натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10.
2. Хайдаров М.Т. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари//Иқтисод ва молия. –Т., 2017. - №6. – Б.21-30.
3. Ли.А.Н, Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлат бюджетининг роли//Молиячи маълумотномаси журнали. – Т., 2016. - № 12(60). – Б.12-14.
4. Юлдашев А., Зайлиев А., Юлдашев А. Молиявий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари//Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 11-12.
5. Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 342 б.
6. Хусаинов М. Маҳаллий бюджетларни кластерли таҳлил этиш//Иқтисодиёт ва таълим журнали. – Т.: ТДИУ, 2011 й. - №6. – Б. 117-120.

7. Абдуллаев А.Ф. Методологические аспекты финансирования дошкольных образовательных учреждений//Молия ва банк иши электрон илмий журнал. – Т.: БФА, 2019. - №2. – С. 27-36.

8. Новак Е. В. Интеграция сметного ценообразования и бюджетирования в строительстве: автореферат ... к.э.н. – М.: Российский университет кооперации, 2011. – 25 с.

9. Елистратова Е.Ю. Повышение эффективности расходов бюджетов на общее образование: автореферат ... к.э.н. – М.: Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2016. – 25 с.

10. Шарафутдинова Д.А. Оффлайн ва онлайн мактаб таълими: молиялаштиришнинг илғор тажрибалари//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т.: БМА, 2020. - №2 (пандемия ва иқтисодиёт махсус сон). – Б. 109-115.

11. Тўйинов Б. Харажатлар сметасини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шакллантириш//Молия журнали. –Т. ТМИ, 2017. - №1. – Б. 10-16.

12. Касимова Г.А. Мактабгача таълим муассаларида аутсорсинг ва ундан фойдаланишнинг афзалликлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2019 йил

13. Эрназаров К.Ю. БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал. – Т.: ТДИУ, 2020. - №4. – Б. 3-10.